



# ЎЗБЕКИСТОН ИСРОИЛ МУНОСАБАТЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЗОКИРОВ Шохрухбек Турғунбой ўғли  
Мустақил изланувчи



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-37-44>

## АННОТАЦИЯ

Маълумки, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сиёсий-хуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширади ва тартибга солинади. Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги алоқалар ҳам норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан олиб борилмоқда. Бу ҳужжатларга ҳар икки давлатнинг мустақил ташқи сиёсатининг асосий йўналишиларини, принципларини белгилаб берувчи миллий стратегиялари ва икки томонлама имзоланган шартномалар, келишувлар, битимлар ва бошқалар киради.

**Калим сўзлар.** ҳамкорликнинг шартномавий-хуқуқий базаси, давлатлараро ҳужжатлар, ҳукуматлараро ҳужжатлар, идоралараро ҳужжатлар.

## ABSTRACT

*It is known that mutual relations between states are implemented and regulated on the basis of political and legal documents. Relations between Uzbekistan and Israel are conducted based on normative legal documents. These documents include national strategies and bilaterally signed treaties, agreements, agreements, etc., which define the main directions and principles of the independent foreign policy of both countries.*

**Keywords.** legal basis of cooperation, interstate documents, intergovernmental documents, interdepartmental documents.

## КИРИШ (Introduction)

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари унинг бош қомуси ҳисобланган Конституциясида белгилаб қўйилган. Хусусан, ушбу олий қонуннинг 17-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларниң тўла хуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларниң суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларниң даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларниң ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда нормаларига асосланади”,<sup>1</sup> деб қайд этилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Веб-сайт <https://constitution.uz/uz/clause/index>

Шунингдек, Ўзбекистон 2012 йил 10 сентябрдаги қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси асосида ўз ташқи сиёсатини олиб боради. Мазкур ҳужжатнинг учинчи бўлими Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига бағишлиланган бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси давлатлари билан ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Унга мувофиқ, “Ўзбекистон Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан анъанавий, тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг бу қисмида рўй берайтган изчил ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давом эттиради. Ўзбекистон Республикаси мазкур минтақанинг етакчи мамлакатлари билан сиёсий мулоқотни ҳамда савдо-иктисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида бўлиб, транспорт коммуникациялари, молия ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун саъий-харакатларини кучайтиради”<sup>2</sup>.

Шу билан бир қаторда, 1992-йилда Кнессетнинг 25-чақириқ депутатлари томонидан Истроил Давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берган расмий ҳужжатда, мамлакат раҳбарияти Собиқ Иттифоқ республикалари, биринчи навбатда, мусулмон республикалари (*Ўзбекистон, Козогистон, Турманистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Тоҷикистон*) билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаши қайд этилган<sup>3</sup>.

Бугунги кунда Истроил Яқин Шарқнинг ривожланган ва етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлиб, 55 та мамлакатда ўзининг дипломатик ва консулий ваколатхоналарига эга<sup>4</sup>. Ушбу мамлакатлар орасида Истроил билан биринчилардан бўлиб ўзаро сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикасининг Истроил Давлати билан турли соҳалардаги алоқалари тегишли сиёсий ва ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган. Ўтган давр мобайнида давлатлар ўртасида икки томонлама характердаги бир қатор ҳужжатлар имзоланган бўлиб, улар ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришда муҳим пойдевор бўлиб келмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/1 (1437)-сон, 239-модда, 14-бет.

<sup>3</sup> См.: Basic Policy Guidelines of the 25th Government, July 1992 // Foreign Policy. Historical Documents 1992—1994. Israel Ministry of Foreign Affairs, 24 January 2020.

<sup>4</sup> O'zbekiston tashqi siyosati // Веб сайт МИД РУ.-<https://mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika>

Икки давлатнинг ўзаро алоқалари ўрнатилган дастлабки йилларда муносабатларнинг сиёсий-институционал идораларини ташкил этиш, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан **хуқуқий асослар ишлаб чиқилган**.

Бугунги кунда, Ўзбекистон ва Истроил муносабатларининг хуқуқий асослари сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва маориф, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси, божхона иши, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш соҳаларидаги икки давлат алоқаларни тартибга солишга хизмат қилади.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР (Discussion and results)

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг хуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижасида аниқландики, бугунги қунгача Ўзбекистон ва Истроил давлатлари томонидан **19 та хужжат** имзоланган бўлиб, улардан **14** таси хукumatларо ва **5** таси идораларо хужжатлардир<sup>5</sup>.

Имзоланган хужжатларни соҳалар кесимида таҳлил қилинганида, савдо-иктисодий соҳага тегишли хужжатлар **3 тани** ташкил этган бўлса, сиёсий соҳадаги ҳамкорликка оид хужжатлар **3 та**, божхона ва солиқ қонунчилиги соҳасига доир **2 та**, маҳфийлик ва маълумотларни алмашишга доир **2 та**, маданият, фан ва маориф соҳаларига оид **2 та**, илмий-техник ва техникавий ҳамкорлик соҳаларида **2 та** ҳамда қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаларига оид **1 тадан** хужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон-Истроил муносабатларини тартибга соловчи дастлабки хужжатлар Истроил Ташқи ишлар вазири Ш.Переснинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида 1994 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида қўйидаги 4 та хужжат имзоланган:

- “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Битим.
- “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида Ҳаво транспорти тўғрисида”ги Битим.
- “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битим.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Истроил Давлати Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар тўғрисида Протокол<sup>6</sup>.

<sup>5</sup>Ўзбекистон-Истроил муносабатлари // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотномаси. Веб-саҳифа: <https://mfa.uz/uz/pages/with-asia-africa>

<sup>6</sup> Израиль - Узбекистан // Материалы Посольства Государства Израиль в Республике Узбекистан // Веб-сайт: <https://embassies.gov.il/tashkent/8F.aspx>



Жумладан, 1997 йил 18 февралдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Битим асосида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳар иккала давлатнинг ўзига хос ишчанлик ташаббуси ва равнақ топиши учун муҳим омил бўлиб ҳизмат қилишини эътироф этилган<sup>7</sup>.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида Ҳаво транспорти тўғрисида”ги Битим 1996 йил 14 апрелдан кучга кирган бўлиб, икки мамлакат ҳамда икки халқ ўртасида дўстлик, ўзаро бирбирини тушуниш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳимоя қилиш борасида ҳаво транспортини муҳим восита сифатида тан олган ҳолда, Ўзбекистон ва Истроил ўртасида ҳаво транспортини ривожлантиришга кўмак бериш ва бу соҳада янада тўлақонли халқаро ҳамкорликка эришиш ҳамда икки давлат ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш мақсадларини кўзлаб имзоланган<sup>8</sup>.

Ўзбекистон ва Истроил Ташқи ишлар вазирлари С.Сайдқосимов ва Ш.Перес томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги ва Истроил Давлати Ташки ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар тугрисида”ги Протоколга биноан икки давлат ташқи сиёсий идоралари мунтазам равишда вазир ўринбосарлари даражасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўtkазиб боради.

*Маълумот учун: 1994 - 2021 йилдар мобайнида ушбу ҳужжат асосида сиёсий маслаҳатлашувларнинг олтита доираси ўтказилди.*

Шунингдек, икки давлат ҳуқуқ тартибот органларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳам тартибга солиш учун 1995 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Истроил Давлати Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ўзаро англашув Протоколи имзоланган.

Маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини тартибга солувчи ҳужжат 1997 йил 7 апрелда Куддус шаҳрида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида

<sup>7</sup> “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Битим // Ўзбекистон Республикаси халқаро қонун ҳужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://www.lex.uz/docs/2654172>

<sup>8</sup> “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида Ҳаво транспорти тўғрисида”ги Битим // Ўзбекистон Республикаси халқаро қонун ҳужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://www.lex.uz/docs/2573595>

маданият, фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим ҳисобланади<sup>9</sup>.

Илмий-техникавий соҳа икки давлат учун ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан, 1997 йил 26 сентябрда Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси ва Истроил Давлати метеорологик хизматлари ўртасида илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим имзоланган.

1998 йил 14-16 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Истроил Давлатига амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожланишига муҳим туркти берди. Ташриф асосий куни, яъни 15 сентябрда Қуддус шаҳрида мамлакатлар ўртасида ҳамкорликнинг кўплаб йўналишларини тартибга солувчи қуидаги **8 та хужжат имзоланди. Булар:**

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **иккиёқлама солик солинишининг олдини олиш** ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида"ги Конвенция;

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **савдо ва иқтисодий ҳамкорлик** тўғрисида"ги Битим;

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида** ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим;

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **қишлоқ хўжалиги соҳасида** ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим;.

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **техникавий ҳамкорлик** тўғрисида"ги Битим;

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **божхона иши соҳасида** ўзаро қўмаклашув тўғрисида Битим;

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида **соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида** ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида ўзаро **маданий марказларни таъсис қилиш** ва уларнинг фаолияти тўғрисида"ги Протокол<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлат Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим // Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро қонун хужжатлари тўплами // <https://www.lex.uz/docs/2171375>

Шунингдек, 1999 йил 1 февралдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида"ги Битимда икки далат ўртасидаги ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларни амалга ошириш принциплари, қоидалари ва тартибини ўрнатишдан масалалари тартибга солинган.<sup>11</sup>

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим расман 2000 йил 19 сентябрдан кучга кирган бўлиб, ушбу битим қишлоқ хўжалиги соҳасида ва қишлоқ хўжалигига алоқадор соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда мамлакатлар ҳалқлари орасида дўстона муносабатларнинг келгусида янада кучайтириш мақсадида имзоланган<sup>12</sup>.

1999 йил 16 марта кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисида"ги Битимнинг **2 моддасига** кўра, ҳамкорлик дастурининг асосий мақсади бўлиб ўз фаолиятини очиқ бозор иқтисодиётiga мувофиқ олиб боришга қодир бўлган индивидуал фермерлар ва фермерлик ассоциациялари учун шароитларни рағбатлантириш хисобланади<sup>13</sup>.

Шунингдек, Истроил билан тиббиёт соҳасида ҳамкорлик алоқалари "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим орқали тартибга солинган.<sup>14</sup>

1999 йил 11 ноябрда Тошкент ва Қуддус шаҳарларида "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида махфийлик тўғрисида"ги Битим ва 24 ноября "Ўзбекистон Республикаси ва Истроил Давлати Ҳукуматлари ўртасида ўзаро англашув" Меморандуми имзоланган.

2013 йил 26 ноября Тель-Авив шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатиси билан Истроил Давлати Федерал савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим имзоланган.

<sup>10</sup> Израиль - Узбекистан // Материалы Посольства Государства Израиль в Республике Узбекистан // Веб-сайт: <https://embassies.gov.il/tashkent/8F.aspx>

<sup>11</sup> "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим // Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро қонун хужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://www.lex.uz/docs/2171049>

<sup>12</sup> "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим // Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро қонун хужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://lex.uz/docs/2169241>

<sup>13</sup> "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим // Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро қонун хужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://www.lex.uz/docs/2616688>

<sup>14</sup> "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Битим // Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро қонун хужжатлари тўплами // Веб-саҳифа: <https://lex.uz/docs/2171467>

Шу билан бирга, умумий таҳдидларга қарши биргаликда қураш олиб бориши мақсадида 2018 йилнинг 16 февраль куни Тошкент шаҳрида ва 22 февраль куни Париж (Франция) шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валюта жиноятлари ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш департаменти ва Истроил Давлати Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ўртасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бидан боғлик маълумотларни алмашиш тўғрисда” ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланиши ушбу йўналишдаги ҳамкорликда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда<sup>15</sup>.

Давлатлараро ҳамкорлик алоқаларининг жадаллашётганининг исботи сифатида, 2021 йил 11 январь куни Ўзбекистон Республикаси ва Истроил Давлати ўртасида ҳамкорликнинг **шарномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва инвентаризация қилиш** бўйича икки давлат ташқи ишлар вазирлеклари ҳуқуқий бошқармалари ўртасида видеоконференцалоқа режимида маслаҳатлашуввлар ўтказилди. Шарномавий-ҳуқуқий базанинг инвентаризация қилиниши натижасида, маълум бўлишича икки давлат ўртасида имзоланган жами

19 та ҳужжатдан **18** та ҳужжат бугунги кунда амал қилаётгани аниқланди. Жумладан, ушбу ҳужжатларнинг **14** таси ҳукуматлараро ва **4** таси идоралараро битимлар ташкил этади. Жумладан, ушбу маслаҳатлашувларда томонлар бугунги кунгача имзоланган халқаро битим ва шартномаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни белгилаш, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш масалаларини, шунингдек кўриб чиқилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Шу билан бир қаторда, маслаҳатлашув яқуни бўйича савдо-иқтисодий, ҳуқуқий ёрдам соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўналишда ҳамкорлик ва бошқа битимлар лойиҳаларини кўриб чиқишини фаоллаштиришга икки томоннинг келишиб олгани **ҳамкорликнинг реал тарзда жонланганини англатади**.

Сўнги йилларда икки давлатнинг жадллашётган алоқлари натижасида, бугунги кунда Ўзбекистон ва Истроил икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янги меёрий ҳужжатлар билан тўлдрилдириш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида қўйидаги **9 та** янги давлатлараро,

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотномаси.

хукуматлараро ва идоралараро **хужжатлар лойиҳалари** томонлар зртасида кўриб чиқилмоқда ва имзолашга тайёрланмоқда. Булар:

**Давлатлараро хужжатлар:**

- Фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам қўрсатиш тўғрисида Шартнома;
- Жиноий ишлар бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам қўрсатиш тўғрисида Шартнома;
- Экстрадиция тўғрисида Шартнома.

**Хукуматлараро хужжатлар:**

- Жиноятчиликка қарши қурашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим;
- Истроил давлати ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган меҳнаткаш-мигрантларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ташкилий асосда танлаб олиш ва ишга жойлаштириш тўғрисида Битим;
- 1998 йил 15 сентябрда имзоланган иккиёқлама солиқ солинишининг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги хукуматлараро Конвенцияга қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома;
- 1994 йил 4 июлда имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги хукуматлараро Битимга қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома.

**Идоралараро хужжатлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Истроил Давлати Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорлик агентлиги “МАШАВ” ўртасида ривожланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Англашув Меморандуми;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Истроил Давлати Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик ва икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида Протокол.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш зарурки, икки давлат ўртисидаги муносабатларнинг меёрий-хуқуқий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, икки томонлама алоқалар йўлга қўйилган даврдан бугунги кунга қадар, ўзаро ҳамкорликка оид 20 га яқин муҳим хужжатлар қабул имзоланиб, мустаҳкам хуқуқий асос яратилди.